

**ЎСИМЛИК МОДДАЛАРИ КИМЁСИ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ**

DSc.02/30.01.2020. К/Т. 104.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ЎСИМЛИК МОДДАЛАРИ КИМЁСИ ИНСТИТУТИ

АБРАЕВА ЗУХРО ЧОРИЕВНА

***DICTAMNUS ANGUSTIFOLIUS, RUTA GRAVEOLENS VA HAPLOPHYLLUM
PERFORATUM* ЎСИМЛИКЛАРИНИНГ АЛКАЛОИДЛАРИ**

02.00.10 - Биоорганик кимё

**КИМЁ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2024

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси авторефератининг мундарижаси
Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)
Contents of dissertation abstract of Doctor of Philosophy (PhD)

Абраева Зухро Чориевна

Dictamnus angustifolius, Ruta graveolens va Haplophyllum perforatum

Ўсимликларининг алкалоидлари 3

Абраева Зухро Чориевна

Алкалоиды растений *Dictamnus angustifolius, Ruta graveolens* и *Haplophyllum perforatum* 21

Abraeva Zuhro Chorievna

Alkaloids of plants *Dictamnus angustifolius, Ruta graveolens* and *Haplophyllum perforatum* 39

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works..... 43

**ЎСИМЛИК МОДДАЛАРИ КИМЁСИ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ**

DSc.02/30.01.2020. К/Т. 104.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ЎСИМЛИК МОДДАЛАРИ КИМЁСИ ИНСТИТУТИ

АБРАЕВА ЗУХРО ЧОРИЕВНА

***DICTAMNUS ANGUSTIFOLIUS, RUTA GRAVEOLENS VA HAPLOPHYLLUM
PERFORATUM* ЎСИМЛИКЛАРИНИНГ АЛКАЛОИДЛАРИ**

02.00.10 - Биоорганик кимё

**КИМЁ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2024

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2023.1.PhD/К346 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация ЎзР ФА Ўсимлик моддалари кимёси институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус ва инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифаси (uzicps.uz) ва «Ziyonet» Ахборот-таълим порталида (www.ziyonet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Расулова Халида Абдулхаевна
кимё фанлари номзоди, катта илмий ходим

Расмий оппонентлар:

Абдулладжанова Нодира Гуломжановна
кимё фанлари доктори, профессор
Рамазонов Нурмурод Шералиевич
кимё фанлари доктори, профессор

Етакчи ташкилот:

Тошкент Фармацевтика институти

Диссертация ҳимояси Ўсимлик моддалари кимёси институти ҳузуридаги DSc. 02/30.01.2020. К/Т.104.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2024 йил «___» _____ соат ____ даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 100170, Тошкент ш., Мирзо Улуғбек кўч., 77. Тел.: (+99871) 262-59-13, факс: (+99871) 262-73-48, e-mail plant.inst@icps.org.uz, ixrv@mail.ru).

Диссертация билан Ўсимлик моддалари кимёси институти Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (____ рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 100170, Тошкент ш., Мирзо Улуғбек кўчаси, 77. Тел.: (+99871) 262-59-13, факс: (+99871) 262-73-48, e-mail: nhidirova@yandex.ru).

Диссертация автореферати 2024 йил «___» _____ да тарқатилди.
(2024 йил «___» _____ даги _____ рақамли реестр баённомаси)

Ш. Ш. Сағдуллаев

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
раиси, т.ф.д, академик

Н.К. Хидирова

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
илмий котиби, к.ф.н.

Э.Х. Ботиров

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
қошидаги илмий семинар раиси, к.ф.д., проф.

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Ҳозирги кунда дунё амалиётида жаҳон фармацевтика бозорида улуши ортиб бораётган ўсимлик препаратларига бўлган қизиқиш кучаймоқда. Бунинг сабаби уларнинг кенг доирада фармакологик фаол эканлиги ва ноўя таъсири камлигидадир. Доривор ўсимликларнинг терапевтик таъсирини аниқлайдиган табиий бирикмаларнинг энг муҳим синфлари орасида ўз таркибида азот тутган гетероциклик моддалар муҳим ўрин тутди. Энг кенг тарқалган ва хилма-хил таъсирга эга азот тутган бирикмалар алкалоидлар, шу жумладан хинолин асосларидир.

Жаҳонда олиб борилган илмий тадқиқотлар натижасида бир қатор хинолин алкалоидлари марказий асаб тизимига тинчлантирувчи таъсир кўрсатиши ва айни пайтда кам захарли эканлиги аниқланган. Анальгетик, тутқанокқа қарши, тинчлантирувчи, седатив таъсирлар билан бир қаторда, уларнинг баъзиларида эстроген ва хавфли ўсмаларга қарши таъсири ҳам топилган. Шунинг учун, янги тузилишга эга алкалоид турларини излаш мақсадида Ўзбекистонда ўсадиган истиқболли ўсимликларни ўрганиш, уларнинг кимёвий таркибини ва шу бирикмалар асосида самарали дори воситаларини яратиш мақсадида ўсимликларни ўрганиш жуда долзарб ва талабга мувофиқдир.

Фитокимёвий тадқиқотлар доривор ўсимликлар флорасидан самарали фойдаланиш ҳамда маҳаллий фармацевтика саноатини ривожлантириш учун асос яратади ҳамда нафақат дори-дармонлар танқислигини тўлдириш, балки янги, экологик хавфсиз ва ноёб, экспортга йўналтирилган дори воситаларини ишлаб чиқаришга замин яратади. Шу муносабат билан, биологик фаол бирикмалар сақловчи ўсимликлар таркибини ўрганиш фитокимё соҳасидаги устувор йўналишлардан бири ҳисобланади. Хусусан, Ўсимлик моддалари кимёси институти олимлари томонидан алкалоидлар асосида «Аллапинин», «Галантамин», «Цитизин» каби дори воситалари тиббиёт амалиётига жорий қилинган. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги «Янги Ўзбекистоннинг 2022-2026 йилларга мўлжалланган ривожланиш стратегияси тўғрисида»¹ги ПФ-60-сон Фармони, 2022 йил 21 январдаги ПФ-55-сон фармони «2022-2026 йилларда Республиканинг фармацевтика тармоғини янада жадал ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»²ги Фармони, 2020 йил 12 августдаги «Кимё ва Биология йўналишларида узлуксиз таълим сифатини ва илм-фан натижадорлигини ошириш чора тадбирлари туғрисида»³ги ПҚ-4805-сон Қарор ва Фармонлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли меъёрий-ҳуқуқий

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сон фармони

² Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 21 январдаги ПФ-55-сон фармони

³ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 18 августдаги ПҚ-4805-сон қарори

белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти натижалари муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотларнинг республика фан ва технолигиялари ривожланишининг устувор йўналишларига боғлиқлиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технолигиялар ривожланишининг V. «Кимё фанлари, кимёвий технолигия ва нанотехнолигия» ҳамда VI. «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналишларига мувофиқ равишда бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. *Rutaceae* оиласига мансуб ўсимликлардан, хусусан, *Dictamnus*, *Ruta* ва *Haplophyllum* туркумларидан олинган хинолин алкалоидларини фитокимёвий тадқиқ қилиш ҳозирги кунда қатор хорижлик мутахассислар J.P. Michael, M. Adams, D. Staerk, A.J. Al-Rehaily, Zs. Ryzsa, A. Patra, A. Ulubelen, Zhong-duo Yang, Dong-bo Zhang, M. Mohammadhosseini ва бошқалар томонидан олиб борилмоқда.

Ўзбекистонда ўсувчи *Haplophyllum* ва *Dictamnus* туркумига кирувчи ўсимликларнинг кимёвий таркибини ЎЗР ФА ЎМКИда академик С.Ю. Юнусов раҳбарлигида Г.П. Сидякин, И.А. Бессонова ва уларнинг шогирдлари Д.М. Разакова, Е.Ф. Несмелова, В.И. Ахмеджанова, Х.А. Расуловалар ўрганган.

Rutaceae оиласига мансуб Ўрта Осиё туркумларини ҳар томонлама ўрганиш шуни кўрсатдики, *Haplophyllum* A.Juss (тошбақатол) туридан ажратилган хинолин алкалоидлари сони ва тузилиши хилма-хиллиги бўйича тадқиқ қилинаётган туркумлар орасида ягона ҳисобланади.

Тадқиқ этилаётган *Dictamnus*, *Haplophyllum* ўсимлик турлари Ўзбекистон флорасида кенг тарқалган ва уларнинг захиралари саноат миқёсида қайта ишлаш учун етарли. *Ruta graveolens* - маданий ўсимлик. Бу ўсимликларнинг биологик фаол алкалоидларни сақлаши ва кимёвий жиҳатдан етарлича тадқиқ қилинмаганлиги ушбу ўсимликлар бўйича илмий-тадқиқот ишларини олиб бориш долзарблиги ва янги биологик фаол ва самарали бирикмаларни ажратиш олиш муҳимлиги диссертация ишини танлаш учун асос бўлди.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган илмий-тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси акад. С.Ю. Юнусов номидаги Ўсимлик моддалари кимёси институтининг илмий-тадқиқот ишлари режасининг № ФА-Т-7-005 рақамли «Ўзбекистоннинг алкалоид сақловчи ўсимликларини тадқиқотлари асосида биологик фаол моддалар яратишнинг фундаментал асослари» (2017-2020 йй.) фундаментал тадқиқот лойиҳа доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади Ўзбекистон ҳудудида ўсувчи *Dictamnus angustifolius*, *Ruta graveolens* ва *Haplophyllum perforatum* ўсимликларининг алкалоидларини тадқиқ қилиш, физик-кимёвий усуллар ёрдамида янги алкалоидларнинг кимёвий тузилишини исботлаш ва уларнинг биологик фаоллигини аниқлашдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

Dictamnus angustifolius ер устки қисмлари ва илдизларини, *Ruta graveolens* ва *Haplophyllum perforatum* ўсимликларининг ер устки қисмлари ва уруғларини экстракция қилиш, фракцияларга бўлиш ва алкалоидларни ажратиб олиш;

устунли хроматография усули ёрдамида алкалоидлар йиғиндисини бўлиш ва индивидуал алкалоидларни ажратиб олиш;

тузилиши маълум бўлган моддаларни ҳақиқий намуналар билан солиштириш, ажратилган бирикмаларнинг кимёвий ва фазовий тузилишларини аниқлаш;

ажратиб олинган табиий бирикмаларнинг биологик фаоллигини аниқлаш.

Тадқиқотнинг объектлари *Dictamnus angustifolius*, *Ruta graveolens* ва *Haplophyllum perforatum* ўсимлик объектларидан ажратиб олинган алкалоидлар ҳисобланади.

Тадқиқотнинг предмети *Dictamnus angustifolius*, *Ruta graveolens*, *Haplophyllum perforatum* ўсимликларидан ажратилган хинолин алкалоидларининг физик-кимёвий хусусиятлари ва кимёвий тузилишларини аниқлаш ҳамда уларнинг биологик фаолликларини тадқиқ этишдан иборат.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқотлар жараёнида табиий бирикмаларни ўсимлик хом ашёсидан ажратиш ва тозалаш усуллари: экстракция, ҳайдаш, колонкали ва юпқа қатламли хроматография, қайта кристаллаш; ажратилган моддаларнинг тузилишини аниқлашнинг физикавий усуллари: УБ, ИҚ спектроскопия, ^1H , ^{13}C ЯМР спектроскопия, рентген тузилиш таҳлили (РТТ) ва масс спектрометрия (GC-MS) усуллари қўлланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

Ўзбекистонда ўсадиган *Dictamnus angustifolius*, *Ruta graveolens*, *Haplophyllum perforatum* ўсимликларидан 20 та алкалоид - фуранохинолин, модификацияланган фуранохинолин, дигидропиранохинолин-4-он, пиранохинолин-2-оннинг ҳосилалари ва 7 та кумаринлар ажратиб олинган;

биринчи марта *Dictamnus angustifolius* ўсимлигининг илдизидан 2 та янги ангустинин ва ангуцин алкалоидлари ажратиб олинган, спектрал маълумотлар ва РТТ усули асосида уларнинг мос равишда 7-(гептилокси)-4,8-диметоксифууро-(2,3)-хинолин ва 7-(п-толилсульфонил)-4,8-диметоксифууро-(2,3)-хинолин тузилишларга эга эканликлари исботланган;

илк марта *Ruta graveolens* ўсимлиги уруғидан янги алкалоид дигидрофлиндерсин ажратиб олинган ва унинг тузилиши (2,2-диметил-4,6-дигидро-3Н-пирано[3,2-с]хинолин-5-он) исботланган;

илк маротаба ^1H ва ^{13}C ЯМР спектрларини таҳлил қилиш, шунингдек, DEPT, HSQC ва HMBC тажрибалари асосида *Haplophyllum perforatum* уруғидан ажратиб олинган янги модификацияланган фуранохинолин алкалоиди перфириннинг тузилиши 3,4,5,6-тетрагидро-7-метокси-2,2-диметил-2Н-фууро[2,3-б]пирано[3,2-г]хинолин, деб аниқланган;

илк бор РТТ усули ёрдамида рибалинидин алкалоиди ва рутарин кумаринининг фазовий тузилишлари тасдиқланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

Dictamnus angustifolius, *Ruta graveolens*, *Haplophyllum perforatum* ўсимликларининг турли қисмларидан 20 та индивидуал хинолин алкалоидлари ва 7 та кумаринларни ажратиб олишнинг оптимал усуллари ишлаб чиқилган;

Haplophyllum perforatum ўсимлигининг ер устки қисмидан антидепрессант таъсирга эга бўлган скиммианин алкалоидини олишнинг янги самарали усули ишлаб чиқилган ва ушбу модданинг янги табиий манбаи сифатида маҳаллий *Dictamnus angustifolius* ўсимлигининг ер устки қисми тавсия қилинган;

in vitro синовлари натижасида *Ruta graveolens* ер устки қисми экстрактининг антибактериал ҳамда рибалинидин ва 2-нонилхинолин-4-он алкалоидларининг цитотоксик фаолликлари аниқланган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги замонавий физик-кимёвий таҳлил усуллари УБ, ИҚ, ^1H , ^{13}C ЯМР спектроскопия, масс спектрометрия, РТТ, хроматографик (КХ, ЮҚХ), эталон моддалар билан таққослаш усулларида фойдаланилганлиги, ҳамда олинган натижаларнинг тақриз қилинувчи хорижий илмий нашрларда чоп этилганлиги ва халқаро, республика миқёсидаги илмий-амалий конференцияларда муҳокама қилинганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.

Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти Ўзбекистон Республикасида ўсувчи *Dictamnus angustifolius*, *Ruta graveolens*, *Haplophyllum perforatum* ўсимликлардан 4 та янги, 16 та маълум бўлган табиий хинолин алкалоидлари ва 7 та кумаринлар ажратиб олиниши, спектрал маълумотлари ва РТТ натижаларини ўрганиш асосида тўртта янги алкалоиднинг кимёвий тузилишлари аниқланганлиги, биринчи марта РТТ усули ёрдамида алкалоид рибалинидин, шунингдек кумарин рутариннинг фазовий тузилишлари аниқланганлиги билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти шундан иборатки, *Haplophyllum perforatum* ўсимлигининг ер устки қисмидан антидепрессант таъсирга эга бўлган скиммианин алкалоидини олишнинг янги самарали усули ишлаб чиқилган; биологик тадқиқотлар натижасида *Ruta graveolens* экстрактининг *B. subtilis*, *S. aureus* ва *P. aeruginosa* бактериялари штаммларига нисбатан антибактериал, ҳамда рибалинидин ва 2-нонилхинолин-4-он алкалоидларининг цитотоксик фаолликлари аниқланган.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. *Dictamnus angustifolius*, *Ruta graveolens* ва *Haplophyllum perforatum* ўсимликларининг алкалоидларини фитокимёвий тадқиқотлари натижаси асосида қуйидаги амалиётлар амалга оширилган:

Ангуцин алкалоидининг рентген тузилиши маълумотлари Буюк Британиянинг Халқаро тузилиш маълумотлар базасида (The Cambridge

Structural Database, <https://www.ccdc.cam.ac.uk/structures/>) рўйхатга олинган ва CCDC 1982366 рақами берилган. Натижада тегишли соҳа олимлари томонидан моддаларнинг рентген тузилиши таҳлили (РТТ) натижасида олинган алкалоидларнинг тузилиши, табиати, молекулалараро ўзаро таъсирлари ҳақидаги маълумотлардан фойдаланиш имконияти яратилган;

тадқиқот илмий натижалари 2017-2020 йиллар давомида бажарилган № ВА-ФА-Ф-6-010 «Табиий бирикмаларда гетероатомлар: молекулалараро таъсирлашув, рецепторли таниб олиш, фармакофорлар» мавзусидаги илмий лойиҳада фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг 2023 йил 22-майдаги № 4/1255-1088-сон маълумотномаси). Натижада *Dictamnus angustifolius* ва *Ruta graveolens* ўсимликларидан ажратиб олинган ангуцин, рибалинидин алкалоидлари ва рутарин, ксантотоксин, изопимпинеллин кумаринлари илмий объект сифатида фойдаланилган;

Dictamnus angustifolius, *Ruta graveolens* ва *Haplophyllum perforatum* ўсимликларининг алкалоидлари ва кумаринларнинг кимёвий таркиби ва биологик фаоллигини таҳлил қилиш натижалари Россия Федерацияси Бюджет Олий Таълим Муассасаси «Сургут давлат университети»да «Шимолий минтақада мевалар ва доривор ўсимликларни етиштириш ва улардан биологик фаол бирикмаларни ажратиш технологияси (ЮграБиоФарм)» амалий лойиҳасида ишлатилган, ҳамда 2021-2023 йилларда кимё, биология ва экология кафедраларида ўқув жараёнида магистратура талабаларининг диплом ва курс ишларини тайёрлашда қўлланилган (Сургут давлат университетининг 2023 йил 22 декабрдаги № 03-01/296-сон маълумотномаси). Натижада ўсимликларнинг кимёвий таркиби ва биологик фаоллигини таққослаш ва лойиҳа натижаларини таҳлил қилиш имконияти яратилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 6 та, шу жумладан 5 та халқаро ва 1 та республика миқёсидаги илмий-амалий анжуманларда маъруза қилинган ва муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларнинг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 10 та илмий ишлар чоп этилган, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги ҳузуридаги Олий Аттестация Комиссиясининг фалсафа доктори (PhD) диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш учун тавсия этилган илмий нашрларда 4 та илмий мақола, шу жумладан 3 та халқаро ва 1 та республика журналларида нашр этилган, ҳамда 1 та патентга талабнома тоширилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, тўртта боб, хулосалар, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертация ҳажми 107 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида олиб борилган фитокимёвий тадқиқотларнинг долзарблиги ва зарурийлиги, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объект

ва предметлари тавсифланган, тадқиқотнинг Ўзбекистон Республикасида фан ва технологияларни ривожлантиришнинг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга тадбиқ этиш, чоп этилган ишлар тўғрисидаги ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар тақдим этилган.

«*Dictamnus*, *Ruta* ва *Haplophyllum* туркумлари ўсимликларининг хинолин алкалоидлари» деб номланган диссертациянинг **биринчи бобида** *Dictamnus*, *Ruta* ва *Haplophyllum* туркуми ўсимликларининг тадқиқ қилиш бўйича адабиёт маълумотлари умумлаштирилиб, олинган табиий хинолин алкалоидларининг биогенези, тавфсифи, тузилиш хусусиятлари, кимёвий ва биологик хоссалари ёритиб берилган. Ушбу турларнинг жаҳон флорасидаги алкалоидларини ўрганиш даражаси ва кимёвий хилма-хиллиги бўйича адабиётлар таҳлили келтирилган. Уларнинг асосий компонентлари алкалоидлар ва кумаринлар эканлиги кўрсатилган, шунингдек биологик фаолликлари бўйича маълумотлар берилган.

«*Dictamnus angustifolius*, *Ruta graveolens* ва *Haplophyllum perforatum* ўсимликларининг алкалоидлари» деб номланган диссертациянинг **иккинчи бобида** *Dictamnus angustifolius*, *Ruta graveolens* ва *Haplophyllum perforatum* ўсимликларининг фитокимёвий тадқиқотлари, ушбу ўсимликларни экстракция қилиш, хинолин алкалоидларини ажратиб олиш, уларнинг тузилишларини ИҚ, УБ, ^1H , ^{13}C ЯМР, масс-спектрлари ҳамда РТТ ёрдамида аниқлаш бўйича олинган шахсий натижалари тақдим этилган ва муҳокама қилинган.

***Dictamnus angustifolius* ўсимлигининг хинолин алкалоидлари**

Фитокимёвий тадқиқотлар натижасида *Dictamnus angustifolius*нинг ер устки қисмидан - 0,26%, илдизидан эса - 0,45% ўсимликнинг қуруқ вазнига нисбатан алкалоидлар йиғиндиси олинган. Колонкали хроматография ёрдамида жами 6 та, шунингдек янги ангустинин (1) ва ангуцин (2) алкалоидлари ажратиб олинган. Ер устки қисмидан скиммианин (3), γ -фагарин (4) ва эвоксин (6); илдизидан эса - скиммианин (3), γ -фагарин (4), хапламин (5) ва янги алкалоидлар - ангустинин (1), ангуцин (2) ажратиб олинган.

Ажратиб олинган маълум алкалоидлар стандарт намуналар билан таққослаш йўли билан суюқланиш ҳарорати, юпқа қатламли хроматография, спектроскопик усуллар ёрдамида идентификация қилинган. Натижада *Dictamnus angustifolius* туркумидан биринчи мартаба хапламин (5) ва эвоксин (6) алкалоидлари ажратиб олинган.

Янги ангустинин алкалоидининг тузилиши


Ангустинин (1) – майда оқ рангли кристалл модда, суюқ. ҳар. 104-105°C (ацетон-гексан), таркиби $\text{C}_{20}\text{H}_{25}\text{NO}_4$, ESI – MS, m/z 344,2 $[\text{M}+\text{H}]^+$.

Мазкур модданинг ИҚ спектрида 3152 см^{-1} соҳада фуран ва $1616, 1577\text{ см}^{-1}$ соҳаларда ароматик ҳалқаларининг ютилиш чизиқлари мавжуд.

Ангустининнинг ^1H ЯМР спектри фуранохинолин ҳалқаси сигналларининг мавжудлигини кўрсатди: δ_{H} 7.91 ва 7.15 м.у. соҳаларда иккита бир протонли дублетлар (ҳар бири $J = 9.3$ Гц) орто-ароматик протонлар Н-5 ва Н-6 га; 7.51 ва 6.96 м.у. соҳада иккита бир протонли дублетлар (ҳар бири $J = 2.8$ Гц) мос равишда Н-2 ва Н-3 фуран ҳалқасининг протонларига тегишли. Икки метокси гуруҳларининг уч протонли синглет сигналлари δ_{H} 4.36 ва 4.04 м.у. соҳаларда кузатилди. Н-1' метилен гуруҳларининг икки протонли триплети δ_{H} 4.12 м.у. ($J = 6.6$ Гц) да, Н-2' протонлари δ_{H} 1.81 м.у. (2Н, м), Н-3' протонлари 1.45 м.у. (2Н, м) соҳаларда намоён бўлди. Метилен гуруҳларининг қолган Н-4', 5', 6' протонлари δ_{H} 1.20 дан 1.35 м.у.гача бўлган ораликда олти протон бирлиги интенсивлигида мультиплет шаклида қайд этилган. Сўнгра метил гуруҳи протонлари уч протонли триплет ҳолда δ_{H} 0.83 м.у. ($J = 6.7$ Гц) соҳада кузатилди.

Ангустининнинг ^{13}C ЯМР, DEPT спектрларининг маълумотлари таҳлил этилганда 20 та углерод атоми сигналлари мавжудлигини кўрсатди, еттита тўртламчи шаклида, жумладан бештаси гетероатомда, тўртта метин, олти метилен ва учта метил углерод атомлари, шу жумладан иккитаси кислород атомида жойлашган. Молекулаларнинг фуранопиридин фрагменти углерод атомларининг кимёвий силжишининг қийматлари скиммианин, эвоксин ва бошқа фуранохинолин алкалоидларниқига яқин (1-расм).

Ангустининнинг ^{13}C ЯМР спектрида кучсиз δ_{C} 164.52 (С-2а), 157.29 (С-4), 151.84 (С-8а), 142.63 (С-7), 141.83 (С-8) м.у. соҳаларида гетероатомларда жойлашган тўртламчи углерод атомларининг сигналлари ва δ_{C} 143.13 м.у. соҳада фуран ҳалқасининг (С-2) метин гуруҳининг углерод сигнали, шунингдек δ_{C} 104.82 м.у. соҳада фуран ҳалқасининг кейинги углерод атоми (С-3)нинг сигнали кузатилади. Кучлироқ δ_{C} 70.08 м.у. соҳада кислород атомидаги углерод атоми (С-1') нинг метилен атомларига хос бўлган сигналлари ва 61.72, 59.15 м.у. соҳаларда мос равишда 8-ОСН₃, 4-ОСН₃ метоксил гуруҳлари сигналлари кузатилади. Шунингдек, δ_{C} 29.75, 31.99, 29.26, 26.19, 22.81, 14.30 м.у. соҳаларда, мос равишда С-4', 5', 2', 3', 6' метилен гуруҳлари ва С-7' соҳада метил гуруҳи сигналлари намоён бўлади (1-жадвал).



1-Расм. Ангустининнинг тузилиши

Ангустинин молекуласининг пиридин қисмидаги углерод атомларининг кимёвий силжишининг қийматлари фуранохинолин алкалоидларининг кимёвий тузилишлари ҳақидаги адабиёт маълумотлари билан солиштирилганда, хаплопинга яқин ва С-7 да ўрин босувчи гуруҳи билан фарқланади (1-расм).

Ангустинин алкалоидининг углерод ва водород атомларининг кимёвий силжиши 1-жадвалда кўрсатилган.

1 -Жадвал

Ангустинин молекуласи (1) нинг углерод ва водород атомларининг кимёвий силжиши, DEPT тажриба маълумотлари (400 МГц, CDCl₃, δ, м.у., J/Гц)

Атом C	DEPT	δ _c	δ _H (J/Гц)
2	CH	143.13	7.51 (д, J = 2.8)
2a	C	164.52	
3	CH	104.82	6.96 (д, J = 2.8)
3a	C	115.00	
4	C	157.29	
4a	C	102.14	
5	CH	118.10	7.91 (д, J = 9.3)
6	CH	113.84	7.15 (д, J = 9.3)
7	C	142.63	
8	C	141.83	
8a	C	151.84	
4-OCH ₃	CH ₃	59.15	4.36 (с)
8-OCH ₃	CH ₃	61.72	4.04 (с)
1'	CH ₂	70.08	4.12 (т, J = 6.6)
2'	CH ₂	29.26	1.81 (м)
3'	CH ₂	26.19	1.45 (м)
4'	CH ₂	29.75	1.31 (м)
5'	CH ₂	31.99	1.29 (м)
6'	CH ₂	22.81	1.29 (м)
7'	CH ₃	14.30	0.83 (т, J = 6.7)

Шундай қилиб, берилган спектрал маълумотлар (ИК, масс-, ¹H, ¹³C ЯМР) асосида ангустинин 7-(гептилокси)-4,8-диметоксифуро-(2,3)-хинолин тузилишига эга, янги табиий фуранохинолин ҳосиласидир.

Янги ангуцин алкалоидининг тузилиши

Ангуцин (2), майда сарғиш кристаллар, суюқ. ҳар. 183 - 184°C (ацетон-гексан).

Ушбу алкалоид 2 УБ нурида люминестсацияланади, Драгендорфф реактиви билан тўқ сариқ рангли доғ ҳосил қилади.

Ангуциннинг ИК спектрида фуран ва ароматик ҳалқаларига хос бўлган 3170, 1626, 1586, 1551, 1511 см⁻¹ соҳаларда ютилиш чизиқлари намоён бўлади.

Бирикма 2 нинг ПМР спектрида 7.86 ва 7.23 м.у. соҳаларида иккита бир протонли дублетлар (ҳар бири J = 9.3 Гц) Н-5 ва Н-6 орто ароматик протонларининг, шунингдек, 7.52 ва 6.96 м.у. соҳаларда иккита бир протонли дублетлар (ҳар бири J = 2.78 Гц) Н-2 ва Н-3 - фуран ҳалқаси протонларининг сигналлари мос равишда кўринади. Уч протонли иккита метоксил гуруҳининг синглет сигналлари 4.33 ва 3.91 м.у. соҳаларда кузатилади. Н-10, Н-14 ва Н-11, Н-13 бензол ҳалқасининг протонлари ҳар бири 2Н дублет дублет кўринишида (J = 8.39 Гц) 7.74 ва 7.21 м.у. соҳаларда ва С-12 метил гуруҳи протонлари 2.34 м.у. соҳада намоён бўлади (2-жадвал).

Ангуциннинг ¹³C ЯМР ва DEPT спектр маълумотларини таҳлил қилиш 20 та углерод атомининг сигналлари мавжудлигини кўрсатди, улардан 9 та тўртламчи атомлар, жумладан, гетероатомда бешта, 8 та метин ва 3 та метил углерод атомлари, шу жумладан иккита кислород атомида жойлашган. Молекулаларнинг фуранопиридин

қисмидаги углерод атомларининг кимёвий силжиши қийматлари γ -фагарин ва бошқа фуранохинолин алкалоидлариникига яқин.

2-Жадвалда ангуцин алкалоидининг углерод ва водород атомларининг кимёвий силжиши кўрсатилган.

2-Жадвал

Ангуцин молекуласи (2) нинг углерод ва водород атомларининг кимёвий силжиши, DEPT тажриба маълумотлари (400 МГц, CDCь, δ , м.у., J/Гц)


Атом C	DEPT	δ_C	δ_H (J/Гц)
2	CH	144.06	7.52 (д, J=2.78)
2a	C	163.87	
3	CH	104.82	6.96 (д, J=2.78)
3a	C	118.79	
4	C	157.17	
4a	C	103.81	
5	CH	119.65	7.86 (д, J=9.3)
6	CH	117.92	7.23 (д, J= 9.3)
7	C	141.71	
8	C	141.19	
8a	C	147.03	
9	C	145.49	
12	C	133,14	
4-OCH ₃	CH ₃	59.25	4.33 (с)
8-OCH ₃	CH ₃	62.34	3.91 (с)
Ar - CH ₃	CH ₃	21.87	2.34 (с)
10, 14	CH	129.82	7.74 (дд, J =8.39)
11, 13	CH	128.56	7.21 (дд, J =8.39)

Ангуциннинг ¹³C ЯМР спектрида энг кучсиз соҳада гетероатомларда жойлашган тўртламчи углерод атомларининг сигналлари δ_C 163.87 (C-2a), 157.17 (C-4), 147.03 (C-8a), 141.71 (C-7), 141.19 (C-8) м.у. соҳаларда ва фуран ҳалқасидаги (C-2) метин гуруҳининг углерод сигнали δ_C 144.06 м.у. соҳада кузатилади. Спектрнинг ароматик қисмида учта тўртламчи углерод атомининг пиридин ва ароматик ҳалқаларининг сигналлари δ_C 118.79 (C-3a), 103.81 м.у. (C-4a) соҳаларда ва фуран ҳалқасининг кейинги углерод (C-3) атомининг сигнали δ_C 104.82 м.у. соҳада кўринади. Тўртламчи атомларга хос бўлган иккита углерод: олтингугурт атомидаги (C-9) атомининг сигнали δ_C 145.49 м.у. соҳада ва (C-12) атомининг сигнали 133.14 м.у. да, шунингдек, (4-OCH₃), (8-OCH₃) метокси гуруҳ сигналлари 59.25 ва 62.34 м.у. соҳаларда кузатилади. ¹³C ЯМР спектрда энг кучли майдон δ_C 21.87 м.у. да бензол ҳалқасидаги C-12 да метил гуруҳининг углерод сигнали кузатилади.

Ажратиб олинган алкалоид **2** нинг тузилишини ишончли аниқлаш учун рентген таҳлили ўтказилди. CIF файли кўринишидаги рентген тузилиши таҳлили (РТТ) материаллари Кембриж кристаллографик маълумотлар марказида (CCDC № 1982366) сақланган.

Ангуциннинг фазовий тузилиши 2-расмда кўрсатилган. Расмдан кўриниб турибдики, ангуцин молекуласининг орқа томонида фуранохинолин псевдоароматик трициклик ядро мавжуд бўлиб, унда гидроксид ўринбосарлари бўлган юза текис

жойлашган. Ангуцин молекуласида хаплопиндан фарқли С7 холатида қўшимча парасульфотолуол бўлаги мавжуд бўлиб, бу ерда фенил ҳалқаси ҳам текис жойлашган.



2-Расм. Ангуциннинг фазовий тузилиши

Юқоридаги спектрал ва рентген тузилиши тахлили маълумотларига асосан, ангуцин 4,8-диметоксифуранохинолин алкалоидларига тегишли бўлиб 7-(п-толилсульфонил)-4,8-диметоксифуро-(2,3)-хинолин тузилишига эга. Ангуцин олтингугурт ўз ичига олган алкалоидларнинг ноёб гуруҳига киради.

Ruta graveolens ўсимлигининг хинолин алкалоидлари

Ruta graveolens ўсимлигининг алкалоидлар таркибини ўрганиш учун иккита ўсиш жойидан терилган: гуллаш даврида Тошкент вилоятида ва мева бериш даврида Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси Ўсимликлар кимёси институтининг тажриба майдончасида етиштирилган ўсимлик намуналари олинган.


R. graveolens (Тошкент вилояти) ер устки қисмидан олинган алкалоидлар йиғиндиси қуруқ хом ашё массасига нисбатан 0.20% ни ташкил этди. Алкалоидлар йиғиндисини бўлиш натижасида диктамнин (7), гравеолин (фолиолин) (8), фолифин (9), ацетилфолифин (10) ажратиб олинди. Нейтрал фракциядан хапламин (5), фолифин (9) ва скополетин (11) идентификация қилинди.

R. graveolens (ЎМКИ) миқдорини аниқлашда ўсимлик уруғларининг алкалоидлар йиғиндисининг умумий миқдори қуруқ хомашё вазнига нисбатан 0.27%ни ва ер устки қисминики 0.30% ни ташкил этди. Ўсимлик уруғи экстрактидан олинган фракцияларни хроматографик бўлиш натижасида 2-нонилхинолин-4(1H)-он (12), рибалинидин (13) алкалоидлари, кумаринлар – псорален (14), бергаптен (15), ксантотоксин (16), изопимпинеллин (17) рутамарин (18), рутарин (19) ва янги асос дигидрофлиндерсин (20) ажратиб олинган.

Ажратиб олинган бирикмаларни аниқлашда стандарт намуналар, эриш нуқтасини таққослаш, юпқа қатламли хроматография ва ИҚ, ^1H , ^{13}C ЯМР спектрларининг спектроскопик усуллари ёрдамида уларни адабиётда берилган маълумотлар билан таққослаш асосида амалга оширилди.


Алкалоид рибалинидин ва кумарин рутариннинг фазовий тузилишлари ва абсолют конфигурациясини аниқлаш учун рентген тузилиши таҳлил тадқиқотлари (РТТ) ўтказилди (3-расм, 4-расм). Рибалинидин кристалининг РТТ натижасига кўра молекуланинг бициклик хинолин фрагментидан иборат қисми текис бўлиб, дигидропиран ҳалқаси 2- ва 3-углерод атомлари ҳисобига *твист* конформациясига эга. Ҳалқадаги асимметрик углерод атоми *R*-конфигурацияга эга. Кристалл моногидрат

холида бўлиб кристаллда сув молекуласи ва гидроксил гуруҳлар иштирокидаги Н-боғлар ҳисобига икки ўлчамли молекуляр ассоциатлар ҳосил бўлган.



3-Расм. R-рибалидиннинг фазовий тузилиши

Рутарин кристаллининг РТТ кўрсатадики молекуладаги трициклик кумарин фрагменти дигидрофуран халқасидаги асимметрик углеродни ҳисобга олмаганда текис бўлиб, дигидрофуран халқаси тақидланган углерод атоми ҳисобига конверт коформациясини қабул қилган. Рутарин кристаллининг таркибида ҳам сув молекулалари бўлиб, кристалл дигидрат ҳисобланади. Дигидрофуран халқасидаги асимметрик углерод S-конфигурацияга эга. Рутарин кристаллида ҳам молекуладаги кўплаб гидроксил гуруҳлар ва сув молекулалари иштирокида Н-боғлар ҳосил бўлган ва шу боғлар натижасида кристалда уч ўлчамли молекуляр ассоциат ҳосил бўлган.



4-Расм. 2S-рутариннинг фазовий тузилиши

Шундай қилиб, R-рибалинидин [(R)-3,7-дигидрокси-2,2,10-триметил-3,4-дигидропирано[2,3-b]хинолин-5-он] ва кумарин рутарин (2S)-2-(2'-гидроксипропан-2-ил)-9-[O-β-D-глюкопиранозил]-2,3-дигидрофууро[3,2-g]хромен-7-он]нинг фазовий тузилишлари исботланган.

Янги дигидрофлиндерсин алкалоидининг тузилиши

Дигидрофлиндерсин (**20**) оқ кукун, суюқ, ҳар. 228-229°C (ацетон - гексан), таркиби $C_{15}H_{11}NO_2$. Хлороформда яхши эрийди, спирт, метанол, ацетон, бензин, этилацетатда ёмон эрийди, гексан ва сувда эримайди.

Унинг ИҚ спектри 3167 см^{-1} соҳада NH га хос, 1669 см^{-1} да – амид карбонилига C=O хос максимал ютилиш сигналлари борлигини кўрсатади.

Дигидрофлиндерсинни ^1H ва ^{13}C ЯМР спектрларини таҳлил қилиш, шунингдек, DEPT ва рентген тузилиш таҳлиллари асосида ўрганилган.

Дигидрофлиндерсиннинг ^1H ЯМР спектрида δ_{H} 1.44 м.у. соҳада иккита метил гуруҳининг интенсивлиги олти протонли синглет ҳолда; δ_{H} 1.88 ва δ_{H} 2.70 м.у. (ҳар бири $J=6.65\text{ Гц}$) соҳаларда Н-10 ва Н-9 ($\text{CH}_2\text{-CH}_2$) гуруҳларнинг иккита икки протонли

триплетлари намоён бўлади. Ароматик ҳалқанинг (Н - 6, 8, 7) бир протонли сигналлари δ_H 7.18 (тд, J = 7.19, 1.5 Гц), 7.34 (д, J = 8.16 Гц) ва 7.46 м.у. (тд, J = 7.29, 1.5 Гц) соҳаларда мос равишда, Н-5нинг δ_H 7.89 м.у. (J = 7.95 Гц) соҳада бир протонли дублет сигнали кўринади. N-H га мос δ_H 11.35 м.у. соҳада кенгайган синглет ютилиши кузатилади.

Дигидрофлиндерсиннинг тузилишини ^{13}C ЯМР ва DEPT маълумотлари спектрларини таҳлил қилиш натижасида 14 та углерод атомларининг сигналлари мавжудлигини кўрсатди, олтига тўртламчи шаклида, шу жумладан, битта карбонил углерод атомида, тўрта метин, иккита метилен ва иккита метил углерод атомларининг сигналлари мавжудлигини кўрсатди.

Ушбу алкалоиднинг ЯМР ^{13}C спектрида пиридин ҳалқасининг тўртламчи углерод атомлари C-4, C-4a, C-8a 157.55, 116.06, 137.17 м.у. соҳаларда намоён бўлади. Углерод C-5, C-6, C-7, C-8 атомлари 122.39, 121.87, 130.06, 115.71 м.у. соҳаларида мос равишда кузатилади, бу эса ароматик ҳалқада ўринбосар йўқлигини кўрсатади. Энг кучсиз соҳада амид карбонил углерод атоми 2-холатда кузатилади. 32.17, 17.35 м.у. соҳаларда сигналларнинг мавжудлиги. углерод C-9 ва C-10 атомлари пиридин ҳалқасининг гидрогенланганлигини кўрсатади (3-жадвал). Шундай қилиб, **20** нинг спектрал маълумотлари флиндерсин алкалоидниқига яқин ва дигидропиранохинолин-2-он тузилишига эга.


3-Жадвалда дигидрофлиндерсин алкалоидининг углерод ва водород атомларининг кимёвий силжиши кўрсатилган.

3-Жадвал

Дигидрофлиндерсиннинг молекуласи (**20**) нинг углерод ва водород атомларининг кимёвий силжиши, DEPT тажриба маълумотлари (600 МГц, CDCl_3 , δ , м.у., J/Гц)

Атом C	DEPT	δ_C	δ_H (J/Гц)
2	CH	165.04	
3	CH	105.32	
4	C	157.55	
4a	C	116.06	
5	CH	122.39	7.88 (д, J = 7.95)
6	CH	121.87	7.18 (т, J = 7.19)
7	C	130.06	7.46 (т, J = 7.29)
8	C	115.71	7.33 (д, J = 8.16)
8a	C	137.17	
9	CH ₂	32.17	2.70 (т, J = 6.65)
10	CH ₂	17.35	1.88 (т, J = 6.65)
11	C	76.79	
12	CH ₃	26.83	1.44 (с)
13	CH ₃	26.83	1.44 (с)

Мазкур **20** алкалоиднинг структурасини тасдиқлаш учун рентген тузилиши таҳлили ўтказилди. Шундай қилиб, спектрал маълумотлар асосида дигидрофлиндерсин 9,10-дигидропиранохинолин-2-он тузилишига эга ва 2-хинолоннинг янги табиий ҳосиласи ҳисобланади (5-расм).



5-Расм. Дигидрофлиндерсиннинг фазовий тузилиши

Дигидрофлиндерсин учун спектрал маълумотлари ва РТТ усули натижалари асосида 2,2-диметил-4,6-дигидро-3Н-пирано[3,2-с]хинолин-5-оннинг тузилиши аниқланган. РТТ усули ёрдамида алкалоид рибалинидин ва кумарин рутариннинг фазовий тузилишлари тасдиқланган.

Haplophyllum perforatum ўсимлигининг хинолин алкалоидлари

Ўзбекистон Республикаси Қашқадарё вилоятидаги денгиз сатҳидан 2005 м баландликда жойлашган Майданақда, мева туғиш даврида терилган *H. perforatum* ўсимлигининг ер устки қисми, уруғи ва илдизларининг алкалоидлари ўрганилди. Олинган алкалоидлар йиғиндиси куруқ ўсимлик массасига нисбатан ер устки қисмида - 0,26%, уруғида - 0,25% ва илдизида - 0,45% ни ташкил этди. Колонкали хроматография ёрдамида асосий ер устки фракциясидан қуйидаги бирикмалар: эвоксин (6), эводин (21), метилэвоксин (22), скиммианин (3), гликоперин (23); нейтрал фракциясидан - хапламин (5) ва перфамин (24); илдизидан - робустин (25), диктамнин (7), скиммианин (3), эвоксин (6), нейтрал қисмидан - хапламин (5) ва флиндерсин (26), уруғидан - эвоксин (6), хапламин (5) ва суюқ. ҳар. 222 - 223°C (спирт) бўлган янги асос (27) ажратиб олинди.

Янги перфирин алкалоидининг тузилиши


Перфирин (27) - сарғиш рангли кристаллар, суюқ. ҳар. 222-223°C (спирт), $C_{17}H_{19}NO_3$, MS m/z 286,1017 $[M+H]^+$.

Перфириннинг ИҚ спектрида фуран ҳалқасига хос бўлган 1470 ва 1565 cm^{-1} соҳада ютилиш чизиқлари аниқланди. 27нинг УБ спектри ангидоперфорин каби модификацияланган фуранохинолин ҳосилаларига хосдир. УБ спектрининг эгри чизиғининг батохром силжиши пиридин ҳалқаси билан ёпишган кўш боғланишни кўрсатади.

Перфирин бирикмасининг тузилиши 1H ва ^{13}C ЯМР спектрларини таҳлил қилиш, шунингдек, DEPT, HSQC ва HMBC тажрибалари асосида аниқланган. Перфириннинг 1H ЯМР спектрида кучсиз соҳасида δ_H 7.44 ($J=2.6$ Гц, Н- α) м.у. ва 6.86 м.у. ($J=2.6$ Гц, Н- β) да фақат фуран ҳалқасининг протонларига хос иккита битта протонли дублетлар мавжуд. Бошқа ароматик протонлар сигналларининг йўқлиги А ҳалқасининг гидрогенланганлиги ва В ҳалқасининг тўлиқ алмашганини кўрсатади. Протон спектрининг ўртасида 4.20 м.у. соҳада С-4 метокси гуруҳининг уч протонли синглети кузатилади. Спектрнинг алифатик қисмида 2.88 м.у. ($J=7.9$ Гц, Н-5) ва 1.80 м.у. ($J=6.6$ Гц, Н-12) да иккита икки протонли триплетлар мавжуд,

2.34 м.у. ($J=7.9$, 2.1 Гц, H-6) ва 2.57 м.у. ($J=6.6$, 2.1 Гц, H-11) да иккита икки протонли триплет триплетлар, шунингдек, 1.31 м.у. да олти протонли иккита метил гуруҳининг (H-14 ва H-15) синглет сигнали кузатилади. Спин-спин ўзаро таъсир константасининг (ССТК) қиймати H-6 ва H-11 сигналларининг тузилиши, бу протонларнинг бир хил спин тизимида эканлигини ва ўзаро *meta* константа (2.1 Гц) билан таъсир қилишини кўрсатади. Бундан ташқари, H-6 протонига ядровий Оверхауз таъсири H-11 протонини танлаб бостириш пайтида қайд этилган (6-расм).

Перфирин тузилишини ^{13}C ЯМР, DEPT ва HSQC спектрларини маълумотлари таҳлил қилиш 17 та углерод атомларининг сигналлари мавжудлигини кўрсатди, 8 та тўртламчи шаклида, шу жумладан, гетероатомда бешта, иккита метин, тўрта метилен ва 3 та метил углерод атоми, шу жумладан биттаси кислород атомида углерод атомларининг сигналлари мавжудлигини кўрсатди (4-жадвал).



6-Расм. Перфириннинг тузилиши

Молекулаларнинг фуранопиридин қисмидаги углерод атомларининг кимёвий силжиши қийматлари γ -фагарин ва бошқа фуранохинолин алкалоидлариникига яқин. ЯМР ^{13}C спектрининг кучсиз соҳасида гетероатомларда жойлашган тўртламчи углерод атомлари δ_{C} 163.60 (C-2), 156.69 (C-4), 156.17 (C-8), 152.85 (C-9) да ва фуран ҳалқасининг метин углерод атомларидан бири (C- α) δ_{C} 140.75 м.у. соҳада резонанслашади. А ва В ҳалқаларининг қолган учта тўртламчи углерод атомлари δ_{C} 103.35 (C-3), 105.72 (C-7), 110.74 м.у. (C-10) соҳасида, фуран ҳалқасининг кейинги метин углеродининг сигнали (C- β) δ_{C} 105.11 м.у. соҳада резонанслашади. Кучлироқ соҳада кислород билан боғланган тўртламчи углерод атомига хос иккита углерод атомларининг (C-13) сигналлари δ_{C} 75.21 соҳада ва метокси гуруҳ (4-OCH₃)нинг сигнали δ_{C} 58.63 м.у. соҳада кузатилади. ^{13}C ЯМР спектрининг кучли майдон соҳасида тўртта метилен (C-12), (C-6), (C-5), (C-11) гуруҳларининг δ_{C} 33.26, 27.05, 19.94, 18.16 м.у. ва иккита метил (C-14 ва C-15) гуруҳларининг δ_{C} 26.76 м.у. соҳаларда углерод сигналлари мос равишда намоён бўлади. Метокси ва иккита метил гуруҳининг ҳолати НМВС тажрибаси асосида аниқланди. НМВС спектрида OCH₃/C-4 ва H-14, H-15/C-13, C-12 ўзаро чўққи пиклари кузатилади. У метокси гуруҳи C-4 да, иккита метил гуруҳи C-13 да жойлашганлигини мос равишда кўрсатади.

4-жадвалда Перфирин алкалоидининг углерод ва водород атомларининг кимёвий силжиши кўрсатилган.

**Перфирин молекуласи (27) нинг углерод ва водород атомларининг кимёвий силжиши
DEPT ва HMBC тажриба маълумотлари (400 МГц, CDCl₃, δ, м.у., J/Гц)**

Атом C	DEPT	δ _C	δ _H (J/Гц)	HMBC (C атомы)
2	C	163.60		
3	C	103.35		
4	C	156.69		
5	CH ₂	19.94	2.88, (т, J = 7.9)	9, 8, 10, 6
6	CH ₂	27.05	2.34, (тт, J = 7.9; 2.1)	8, 7, 10, 5
7	C	105.72		
8	C	156.17		
9	C	152.85		
10	C	110.74		
α	CH	140.75	7.44, (д, J = 2.6)	2, 3, β
β	CH	105.11	6.87, (д, J = 2.6)	2, 3, α
11	CH ₂	18.16	2.57, (тт, J = 6.6; 2.1)	8, 9, 7, 12, 13
12	CH ₂	33.26	1.80, (т, J = 6.6)	7, 14, 15, 13
13	C	75.21		
14	CH ₃	26.76	1.31, с	15, 12, 13
15	CH ₃	26.76	1.31, с	14, 12, 13
4-OCH ₃	CH ₃	58.63	4.20, с	4

Юқоридаги маълумотларга асосланиб, перфирин (3,4,5,6-тетрагидро-7-метокси-2,2-диметил-2Н-фууро[2,3-*b*]пирано[3,2-*h*]хинолин) янги модификацияланган фуранохинолин ҳосиласи эканлиги аниқланди.

Бирикмаларнинг биологик фаоллиги

Ажратиб олинган бирикмаларнинг цитотоксик фаоллигини МТТ усули билан иккита - эпителиал бачадон бўйни карциномаси HeLa ва халқум аденокарцинома HEP-2 (ATCC:CCL-23) саратон хужайраларида ўрганилди. Улар орасида рибалинидин HeLa ва HEP-2 хужайраларида цитотоксикликни солиштириш препарати цисплатинга нисбатан фаолроқ эканлигини кўрсатди. Шундай қилиб, рибалинидинни *in vitro* ва *in vivo* кейинги тадқиқотлар учун таклиф қилиш мумкин.

Антибактериал ва антифунгал фаоллик бўйича *in vitro* синовлари натижалари *Ruta graveolens* экстракти *Bacillus subtilis*, *Staphylococcus aureus* и *Pseudomonas aeruginosa* бактериал штаммларига қарши антибактериал таъсирга эга эканлигини кўрсатди.

ЎзФА Ўсимлик моддалари кимёси институти тажриба-технология лабораторияси ҳамда фармакология ва токсикология бўлими олимлари билан ҳамкорликда *Haplophyllum perforatum* алкалоидлар йиғиндисидан ажратиб олинган скиммианин алкалоиди асосида антидепрессант дори ишлаб чиқилмоқда. Олиб борилган фармакотоксикологик тадқиқотлар натижалари шуни кўрсатадики, скиммианин алкалоиди психоактив таъсирга эга, ўзига хос психофармакологик антидепрессант ҳисобланади ва амитриптилин препарати билан солиштириганда тезлаштирилган фаоллашувга олиб келади.

Dictamnus angustifolius ўсимлигининг ер устки қисми антидепрессант таъсирга эга бўлган скиммиан алкалоидининг янги маҳаллий манбаи сифатида фойдаланишга тавсия қилинган ва ЎзР Интеллектуал мулк агентлигига ихтирога талабнома берилган “Антидепрессант фаоллиги билан дори олиш усули” № IAP20210583 (29.11.2021 й.).

ХУЛОСАЛАР

1. *Rutaceae* оиласига мансуб учта ўсимлик: *Dictamnus angustifolius*, *Ruta graveolens*, *Haplophyllum perforatum* турларининг алкалоидлари ҳамда кумаринлари кимёвий таҳлил қилиниб, жами 20 та алкалоид ва 7 та кумарин ажратиб олинган.
2. *Dictamnus angustifolius* ўсимлигининг ер устки ва илдиз қисмидан 4та фанга маълум бўлган, шунингдек илк бор янги ангустинин ва ангуцин алкалоидлари ажратиб олинган. Спектрал ва РТТ маълумотлари натижалари асосида ангустинин [7-(гептилокси)-4,8-диметоксифуро-(2,3)-хинолин] ҳамда ангуцин [7-(п-толилсульфонил)-4,8-диметоксифуро-(2,3)-хинолин] алкалоидларининг кимёвий тузилишлари исботланган.
3. Маданийлаштирилган *Ruta graveolens* L. ўсимлигининг турли органларидан маълум бўлган 7та алкалоид, улардан 3 таси биринчи марта ва 7та кумарин ҳамда янги алкалоид дигидрофлиндерсин ажратиб олинган. Спектрал ва РТТ маълумотлари натижалари асосида дигидрофлиндерсиннинг (2,2-диметил-4,6-дигидро-3Н-пирано[3,2-с]хинолин-5-он) кимёвий тузилиши тасдиқланган.
4. *Haplophyllum perforatum* ўсимлигидан аввал маълум бўлган 10 та алкалоид ва биринчи марта янги модификацияланган фуранохинолин алкалоиди перфирин (3,4,5,6-тетрагидро-7-метокси-2,2-диметил-2Н-фууро[2,3-б]пирано[3,2-г]хинолин) ажратиб олинган, ҳамда унинг тузилиши 1D ва 2D ЯМР спектрларини ўрганиш асосида исботланган.
5. *Haplophyllum perforatum* ўсимлигининг ер устки қисмидан антидепрессант таъсирга эга бўлган скиммианин алкалоидини олишнинг янги самарали усули ишлаб чиқилган ҳамда *Dictamnus angustifolius* ўсимлигининг ер устки қисми мазкур алкалоиднинг янги маҳаллий манбаи сифатида фойдаланишга тавсия қилинган.
6. Биологик тадқиқотлар натижаларига кўра *Ruta graveolens* экстрактининг антибактериал, шунингдек рибалинидин ва 2-нонилхинолин-4-он алкалоидларининг цитотоксик фаолликлари аниқланган.

НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc.02/30.01.2020. К/Т. 104.01
ПО ПРИСУЖДЕНИЮ УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ
ПРИ ИНСТИТУТЕ ХИМИИ РАСТИТЕЛЬНЫХ ВЕЩЕСТВ

ИНСТИТУТ ХИМИИ РАСТИТЕЛЬНЫХ ВЕЩЕСТВ

АБРАЕВА ЗУХРО ЧОРИЕВНА

АЛКАЛОИДЫ РАСТЕНИЙ *DICTAMNUS ANGUSTIFOLIUS*, *RUTA GRAVEOLENS* И *HAPLOPHYLLUM PERFORATUM*

02.00.10 – Биоорганическая химия

АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ
доктора философии (PhD) по химическим наукам

Ташкент-2024

Тема диссертации доктора философии (PhD) зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Министерстве Высшего образования, науки и инноваций Республики Узбекистан за номером B2023.1.PhD/K346.

Диссертация выполнена в Институте химии растительных веществ.

Автореферат диссертации на трех языках (узбекский, русский и английский (резюме)) размещен на веб-странице Научного совета по адресу (uzicps.uz) и на Информационно-образовательном портале «Ziyonet» (www.ziyonet.uz).

Научный руководитель:

Расулова Халида Абдулхаевна
кандидат химических наук, старший научный сотрудник

Официальные оппоненты:

Абдулладжанова Нодира Гуломжановна
доктор химических наук, профессор

Рамазов Нурмурод Шералиевич
доктор химических наук, профессор

Ведущая организация:

Ташкентский Фармацевтический институт

Защита диссертации состоится « ____ » _____ 2024 г. в ____ часов на заседании Научного совета DSc.02/30.01.2020. К/Т. 104.01 при Институте химии растительных веществ (Адрес: 100170, г. Ташкент, ул. Мирзо Улугбека, 77. Тел.: (+99871) 262-59-13, факс: (+99871) 262-73-48, e-mail: plant-inst@icps.org.uz, ixrv@mail.ru).

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Института химии растительных веществ (регистрационный номер № ____) (Адрес: 100170, г. Ташкент, ул. Мирзо Улугбека, 77. Тел.: (+99871) 262-59-13, факс : (+99871) 262-73-48, e-mail: nhidirova@yandex.ru).

Автореферат диссертации разослан « ____ » _____ 2024 года.
(реестр протокола рассылки № _____ от « ____ » _____ 2024 год.)

Ш.Ш. Сагдуллаев
Председатель Научного совета по присуждению
ученых степеней, академик

Н.К. Хидирова
Ученый секретарь Научного совета по
присуждению ученых степеней, к.х.н.

Э.Х. Ботиров
Председатель Научного семинара при совете по
присуждению ученых степеней, д.т.н., профессор

ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))

Актуальность и востребованность темы диссертации. В настоящее время в мировой практике возрастает интерес к растительным препаратам, доля которых увеличивается на мировом рынке фармацевтических средств. Причиной этому является широкий спектр их фармакологической активности и низкой токсичности. Среди важнейших классов природных соединений, обуславливающих лечебный эффект лекарственных растений, значительное место занимают азотсодержащие гетероциклические вещества. Одним из обширных и разнообразных по действию являются азотсодержащие соединения алкалоиды, в том числе, хинолиновые основания.

В результате научных исследований проводимых во всем мире, установлено, что ряд хинолиновых алкалоидов обладают успокаивающим действием на центральную нервную систему и, одновременно малотоксичны. Наряду с болеутоляющим, противосудорожным, снотворным, седативным действием, у некоторых из них обнаружена эстрогенная и противоопухолевая активность. Поэтому исследование перспективных растений произрастающих в Узбекистане с целью поиска новых алкалоидов, изучение их химического состава для создания на базе этих соединений более эффективных лекарственных средств является весьма актуальным и востребованным.

Фитохимические исследования лекарственной флоры создают основу для развития отечественной фармацевтической промышленности и позволяют не только восполнить дефицит лекарственных средств, но и внести свой вклад в разработку новых, экологически безопасных и уникальных, экспортно-ориентированных препаратов. В этой связи, химическое изучение растений, продуцирующих биологически активные соединения, являются одним из приоритетных направлений в области фитохимии. В частности, учеными Института химии растительных веществ внедрены следующие препараты на основе алкалоидов: “Аллапинин”, “Галантамин”, “Цитизин”. Данное диссертационное исследование в определенной степени служит выполнению задач, предусмотренных в Указах Президента Республики Узбекистан УП-60 «О Стратегии развития Нового Узбекистана на 2022-2026 годы»¹ от 28 января 2022 года, УП-55 «О дополнительных мерах по ускоренному развитию фармацевтической отрасли республики в 2022-2026 годах»² от 21 января 2022 года, и постановление Президента № ПП-4805 «О мерах по повышению качества непрерывного образования и результативности науки по направлениям химия и биология»³ от 12 августа 2020 года, а также других нормативно-правовых документах, принятых в данной сфере.

Соответствие исследования с приоритетными направлениями развития науки и технологий Республики. Данное диссертационное

¹ Указ Президента Республики Узбекистан за № УП-60 от 28 января 2022 года.

² Указ Президента Республики Узбекистан за № УП-55 от 21 января 2022 года.

³ Постановление Президента Республики Узбекистан за № ПП-4805 от 18 августа 2020 года.

исследование выполнено в соответствии с приоритетными направлениями развития науки и технологий Республики V. «Химические науки, химическая технология и нанотехнология» и VI.«Медицина и фармакология».

Степень изученности проблемы. Фитохимические исследования хинолиновых алкалоидов растений семейства *Rutaceae*, в частности родов *Dictamnus*, *Ruta* и *Haplophyllum* в настоящее время проводятся специалистами зарубежных стран J.P. Michael, M. Adams, D. Staerk, A.J. Al-Rehaily, Zs. Ryzsa, A. Patra, A. Ulubelen, Zhong-duo Yang, Dong-bo Zhang, M. Mohammadhosseini и др.

